

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ВА ШАХАР
КОМИТЕТЛАРИ, МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ
ОБЛАСТ ВА ШАХАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 140 (631)

17

ИЮЛЬ
СЕШАНБА

1956 ЙИЛ

ВАХОСИ
20 ТИЙИН

БУГУНГИ СОНДА:

Камбоджа Миллат Мажлисининг Раиси Ек Ви Ун-нинг СССР Министрлар Совети Раиси Н. А. Булганинга телеграммасы (1- бет).
Ўртоқ Н. С. Хрушчев америка инженери Г. В. Морганни қабул қилди (1- бет).
СССР Олий Совети қабул қилган давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонунни бутун совет халқи маъқуламоқда (2- бет).
Германия Демократик Республикасининг ҳукумат делегацияси Москвага келди (2- бет).
СССР Олий Советининг бешинчи сессияси (2- бет).

Ҳозирги ҳал қилувчи кунларда ҳар бир туп гўзани сифатли парвариш қилайлик! (3- бет).
КАРТОШКА, САБЗАВОТ МУЛ-ҚУЛЛИГИ УЧУН!
А. Шермухамедов. — Тонна-тонналаб... (3- бет).
Атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Миср Республикаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши ҳақида ахборот (4- бет).
Совет таклифларининг қабул қилиниши ишонч атмосферасини яратибга ёрдам берган бўлур эди (4- бет).

Совет тузумининг чинакам халқчил тузум эканлигини кўрсатувчи яна бир ёрқин далил

Кеча «Правда»да Давлат пенсиялари тўғрисида СССР Олий Совети қабул қилган Қонун эълон қилинди.
Бу Қонуннинг мазмуни, Қонун проектининг меҳнаткашлар йиғилишларида, сўнгра аса, Олий Совет сессиясида ҳар тарафлама ва муфассал муҳокама қилинганлиги совет ижтимоий ва давлат тузумининг аса демократизмини, чинакам халқчил эканлигини яна бир марта ёрқин намойиш қилди бермоқда.

Буржуа реакциян матбуоти совет тузумининг демократик характерини бузиб кўрсатиш, унинг ҳақида ёлгон-яшиқ гапларин тарқатиш, СССРда коммунист курлиш соҳасида яришилган буюк муваффақиятларни капиталистик мамлакатлардаги меҳнаткашлардан яшириш мақсадида кейинги вақтда зўр бериб туҳмат кампанияси олиб бормоқда. Лекин туҳматчилар ҳар қандай қилиб уринсалар ҳам, улар ишнинг моҳиятини яшира олмайдилар: демократиянинг моҳияти юзаси белгиланган эмас, балки сиёсий ҳокимият халққа ҳукм қилганини, у кўпчилик халқнинг, кўпчилик меҳнаткашларнинг продасини ва туб манфаатларини ифода қилади, бутун гап ана шундадир. Совет давлатининг бутун сиёсати шу нарсани яққол кўрсатиб турибдики, аҳолининг турмуш даражасини ҳар томонлама юксалтириш, ўз халқининг тинч яшашини таъминлаш унинг олий мақсади бўлиб, бу тўғрисида кун сайин гамхўрлик қилиб келди ва гамхўрлик қиламоқда.

Давлат пенсиялари тўғрисида СССР Олий Совети қабул қилган Қонун ҳақида меҳнаткашларнинг айтган биринчи сўзлари бу Қонунни халқ ақлидаги билан маъқуллаганини кўрсатади. Масалан, кеска металлур. Москвадаги «Серп и молот» заводига ўттиз йилдан кўпроқ ишлаган В. Д. Филиппов бу ҳақда қуйидагиларни айтди:

—Ўзи замона биз, кескаларни заводдан ҳайдаб чиқариб юборган бўлар эдилар. Ҳозир аса Олий Совет меҳнат аҳлини қарамлик ва инвалид бўлиб қолган тақдирда қандай қилиб ахшироқ таъминлаш кераклигини бир неча кун муҳокама қилди. Бизга ҳукуматимиз халқ билан чамбарчас боғланган. Ҳукумат ҳамма меҳнаткашлар манфаатдор бўлган бу масалани халқ билан биргаликда ҳал қилди...

Давлат пенсиялари тўғрисидаги Қонун Совет давлатининг иқтисодий қудрати ўсиб бораётганлигини, ишчи ва хизматчиларнинг, мамлакатимиздаги барча меҳнаткашларнинг модий аҳолининг тўхтовсиз яшашига бориш имкониятлари йилдан-йилга кўпайиб бораётганлигини кўрсатади. Урушдан ялғирли 1940 йилда СССР аҳолисида давлат бюджетидан ва корхоналарнинг маблагларини ҳисобига қилинган тўловлар ва иттиёлар 42 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, 1955 йилда бу тўлов ва иттиёлар 154 миллиард сўмга етди. олтинчи беш йилдакининг кейинги йили—1960 йилда аса 210 миллиард сўмгача кўпайди.

Аҳолига бериладиган бошқа иттиёлар ва тўловлар билан бир қатори Совет давлати томонидан пенсия таъминотида сарфланаётган маблаглар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бу йил ана шу мақсадларга давлат бюджетидан бўйича 25 миллиард 100 миллион сўм ажратилди. Давлат пенсиялари ҳақидаги янги Қонун проекти бўйича йилга қўшимча равишда 12 миллиард 600 миллион сўм маблаг талаб қилинади. Депутатлар айтган ва меҳнаткашлар кенг оммасининг истақларини ифода қилган бир қанча қўшимчаларни СССР Олий Совети қабул қилганлиги натижасида бу сўма тахминан ярим миллиард сўм кўпайди. Шундай қилиб, Совет давлатининг пенсия таъминотида қилинадиган харажатлари ярим баравардан кўпроқ ўсади.

Пенсиялар ҳақидаги янги Қонуннинг ҳукусийлари, яъни мамлакатимиз меҳнаткашларининг бу Қонунни қўғиш таъминлашлари учун, бу Қонунни коммунист партия ва Совет ҳукуматининг халқ баст-саодати тўғрисидаги гамхўрлигининг янги ажойиб ифодаси деб ҳисоблаётганликлари учун асос бўлган ҳукусийлари нимадан иборат?

Биринчидан, янги Қонун қариб қолганликлар сабабдан ишлаб олмаган барча ишчилар ва хизматчиларни модий жи-

ТЕЛЕГРАММА

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ РАИСИ МАРШАЛ
Н. А. БУЛГАНИН ЖАНОБ ОЛИЙЛАРИГА

Камбоджа парламенти ва халқи Король шахзодаси Норедом Сианук хазратлари Камбоджа Короли Хазрат Олийларининг ва Камбоджа халқининг закили сифатида Сианунг ажойиб мамлакатини тақдирлиги муносабати билан СССР халқлари ва Сиз уни гоёт самимий кутиб олганингизни ва унга ҳаммат билан ҳолисона савгалир қилиб қоролга ва мамлакатимизга катта ҳурмат қўйганингизни гоёт маънуний билан ашнуқлар. Шахсан Сианунг дўстлигини ва Совет давлатининг дўстлигини кўрсатувчи бу ёрқин далил бизларни гоёт қувонтиради ва, шубҳасиз, яққалда халқимизни бир-бирига яқинлаштиришга ҳамда давлатларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларини мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Камбоджа парламенти ва унинг бутун халқи номидан ҳам, шахсан ўз номидан ҳам Сизга чуқур миннатдорчилигимизни изҳор қиламан, шунингдек шахсан Сианунг сўнат-саодат бўлишини ва СССР халқларининг гуллаб-яшнашини чин қайимдан тилайман.

Раисе жаноблари, Сизга бўлган камол ахтиромимни қабул қилгангай.

ЕК ВИ УН.
Камбоджа Миллат Мажлисининг Раиси

1956 йил 14 июль.

ЎРТОҚ Н. С. ХРУШЧЕВ АМЕРИКА ИНЖЕНЕРИ

Г. В. МОРГАНИН КАБУЛ ҚИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Н. С. Хрушчев Москвага турист бўлиб келган америка инженерини Г. В. Морганни 14 июльда қабул қилди.

Г. В. Морган Москва метрополитени биринчи навбати қурилишида қатнашган

«Мажбурий оқлад страхованиеси тўғрисида»
1940 йил 4 апрелдаги Қонунга ўзгартишлар
киритиш ҳақида

ҚОНУН

Модда 1. СССР Олий Совети Президиумининг «Хайвонларнинг мажбурий оқлад страхованиеси юзасидан страхование тўловлари тўғрисида» 1956 йил 10 февралдаги Фармони тасдиқлансин ва шунга мувофиқ «Мажбурий оқлад страхованиеси тўғрисида»ги Қонунга қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

а) Қонуннинг 15-моддасида «Қоҳозларда» деган графада страхование тўловлари ставкалари ҳақида 3—8 бандлар қуйидагича баён қилинсин:

«3. Оғлар ва хачирлар—	ҳамма иттифоқчи республикаларда	— 4,80
4. Туя ва эшаклар ҳамма иттифоқчи республикаларда		— 4,00
5. Йирик қора моллар —	ҳамма иттифоқчи республикаларда	— 1,60
6. Қўй ва эчкилар —	ҳамма иттифоқчи республикаларда	— 2,40
7. Чўчқалар —	ҳамма иттифоқчи республикаларда	— 3,20
8. РСФСРда ва Қозғистон ССРда бутулар		— 4,80:

б) Қонуннинг 15-моддасига қуйидаги мазмунда аслатма қўйилсин:

«Аслатма. Қоҳозларда зотли қорва молларни страхование қилиш тўловлари қуйидаги ставкалар бўйича ҳисобланади (страхование таъминотининг 100 сўмдан сўм ҳисоби): Йирик қорамол — 1,20; қўй ва эчкилар — 1,80; чўчқалар — 2,40; отлар — 3,60; туя ва эшаклар — 3,00»;

в) Қонуннинг «31-моддаси қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«31. Айрим қоҳозлар учун 30-моддада кўрсатилган скидка миқдори МТС директори ва ёнги назорати органларининг тақдирлари ҳамда йосефхисияларнинг ҳудосалари асосида меҳнаткашлар депутатлари район Советлари яқинроқ комитетларининг қарорлари билан белгиланади.

Модда 2. «Мажбурий оқлад страхованиеси тўғрисидаги Қонуннинг 29 ва 32-моддалари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1956 йил 14 июль.

СССР Конституцияси (Асосий Қонун)нинг

22, 29-б, 77 ва 78- моддаларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

ҚОНУН

Модда 1. СССР Олий Совети Президиумининг «Камчатка областини Хабаровск ўлкаси составидан чиқариб, РСФСРнинг мустақил областига айлантириш тўғрисида» 1956 йил 23 январдаги Фармони тасдиқлансин.

Шунга мувофиқ, СССР Конституциясининг 22-моддасига «Камчатка» деган сўз қўйилсин.

Модда 2. СССР Олий Совети Президиумининг «Қирғизистон ССРдаги Талас областини тугатиш тўғрисида» 1956 йил 18 февралдаги Фармони тасдиқлансин.

Шунга мувофиқ, СССР Конституциясининг 29-б моддасидан «Талас» сўзи чиқариб ташлансин.

Модда 3. СССР Олий Совети Президиумининг қуйидаги Фармонлари тасдиқлансин:

«СССР геология ва ер ости бойлиқларини сақлаш умумиттифоқ министратлигини СССР Геология ва ер ости бойлиқларини сақлаш иттифоқ-республика министратлигига айлантириш ва Қозғистон ССР Геология ва ер ости бойлиқларини сақлаш иттифоқ-республика министратлигига ташкил қилиш» тўғрисида 1956 йил 12 январдаги Фармони;

«СССР Металлургия ва химия саноати корхоналари қуриш умумиттифоқ министратлигини СССР Металлургия ва химия саноати корхоналари қуриш иттифоқ-республика министратлигига айлантириш тўғрисида» 1956 йил 12 январдаги Фармони;

«СССР Приборостроение ва автоматизация воситалари умумиттифоқ министратлиги ва СССР Машинасозлик умумиттифоқ министратлигига ташкил қилиш тўғрисида» 1956 йил 21 январдаги Фармони;

«СССР Қўмир саноати корхоналари қуриш умумиттифоқ министратлигини СССР Қўмир саноати корхоналари қуриш иттифоқ-республика министратлигига айлантириш тўғрисида» 1956 йил 9 апрелдаги Фармони;

«СССР Таёғлар министратлигини СССР Ғалла маҳсулотлари иттифоқ-республика министратлигига айлантириш тўғрисида» 1956 йил 31 майдаги Фармони;

«Умумиттифоқ Дарё флотли министратлигини тугатиш тўғрисида» 1956 йил 31 майдаги Фармони;

«СССР Автомобиль транспорти ва тош йўллар министратлигини тугатиш тўғрисида» 1956 йил 31 майдаги Фармони;

«СССР Енгил саноат министратлигини ва СССР Тўқимачилик саноати министратлигини СССР Енгил саноат министратлигига қилиб бириктириш тўғрисида» 1956 йил 31 майдаги Фармони;

«СССР Ўстиция министратлигини тугатиш тўғрисида» 1956 йил 31 майдаги Фармони.

Шунга мувофиқ, СССР Конституциясининг 77 ва 78-моддалари қуйидагича баён қилинсин:

«Модда 77. Умумиттифоқ Министратликлари қуйидаги Министратликлари:

Авиация саноати, Автомобиль саноати, Ташиқ савдо, Машинасозлик, Денгиз флотли, Мудоффа саноати, Умумий машинасозлик, Приборостроение ва автоматизация воситалари, Ўтлар, Радиотехника саноати, Ўрта машинасозлик, Станоксозлик ва асбобсозлик саноати, Қурилиш ва йўл машинасозлиги, Нефть саноати корхоналари қуриш, Электростанциялар қуриш, Кемасозлик саноати, Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги, Транспорт машинасозлиги, Транспорт қурилиши, Оғир машинасозлик, Химия саноати, Электростанциялар, Электротехника саноати министратликлари»;

«Модда 78. Иттифоқ-республика Министратликлари қуйидаги министратликлари:

Қозғоз ва ёғочсозлик саноати, Ички ишлар, Олий таълим, Геология ва ер ости бойлиқларини сақлаш, Шаҳар ва қишлоқ қурилиши, Давлат контроли, Соғлиқни сақлаш, Ташиқ ишлар, Мадағнинг, Енгил саноат, Урмон саноати, Нефть саноати, Мудоффа, Ғўшт ва сўт маҳсулотлари саноати, Озиқ-овқат товарлари саноати, Қурилиш материаллари саноати, Ўқим саноати, Алоқа, Қишлоқ хўжалиги, Соххозлар, Қурилиш, Металлургия ва химия саноати корхоналари қуриш, Қўмир саноати корхоналари қуриш, Савдо, Қўмир саноати, Молия, Ғалла маҳсулотлари, Рангли металлургия, Қора металлургия министратликлари».

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1956 йил 14 июль.

СССР Конституцияси (Асосий Қонун)нинг

121- моддасига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

ҚОНУН

СССРда шаҳарларда ва қишлоқ жойларида умумий етти йиллик таълим амалга ошириладиганлиги муносабати билан, шунингдек ўрта мактабларнинг юқори синфларида, ўрта махсус ва олий ўқув юрларида ўқиниш учун ҳақ тўлаш бекор қилинганлиги муносабати билан СССР Конституциясини (Асосий Қонун)нинг 121-моддасига тегишли ўзгартишлар киритилсин ва бу модда қуйидагича баён қилинсин:

«Модда 121. СССР граждандари илм олиш ҳуқуқига агадирлар.

Умумий мажбурий етти йиллик таълимнинг жорий қилинганлиги, ўрта таълимнинг кенг ривожланганлиги, таълимнинг ҳамма турлари, ҳам ўрта, ҳам олий таълимнинг текинлиги, олий мактабга аъло ўқидиганларга давлат стипендиялари бериш системасининг жорий қилинганлиги, мактабларда ўқинишнинг аса тилда олиб борилиши, заводларда, соххозларда, машина-трактор станцияларида ва қолхозларда меҳнаткашларга ишлаб чиқариш, техника ва агрономия билимнинг текин ўргатилиши илм олиш ҳуқуқини таъминлайди».

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1956 йил 14 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг «Қозғистон

ССР билан Ўзбекистон ССР ўртасидаги чегарани қисман

ўзгартиш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

ҚОНУН

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

СССР Олий Совети Президиумининг «Қозғистон ССР билан Ўзбекистон ССР ўртасидаги чегарани қисман ўзгартириш тўғрисидаги» 1956 йил 13 февралда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1956 йил 14 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг «Қозғистон ССР билан РСФСР ўртасидаги чегарани қисман ўзгартириш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

ҚОНУН

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

СССР Олий Совети Президиумининг «Қозғистон ССР билан РСФСР ўртасидаги чегарани қисман ўзгартириш тўғрисида» 1956 йил 20 апрелда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1956 йил 14 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг «Ишчи ва

хизматчилар учун дам олиш кунлари олдинда ва байрам

олди кунларида иш кунини қисқартиш тўғрисида»ги

Фармонини тасдиқлаш ҳақида

ҚОНУН

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

СССР Олий Совети Президиумининг «Ишчи ва хизматчилар учун дам олиш кунларида иш кунини қисқарттиш тўғрисида» 1956 йил 8 мартда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1956 йил 14 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг «Ҳомилдорлик ва

туғиш отпускиси муддатини узайтириш тўғрисида»ги

Фармонини тасдиқлаш ҳақида

ҚОНУН

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

СССР Олий Совети Президиумининг «Ҳомилдорлик ва туғиш отпускиси муддатини узайтириш тўғрисида» 1956 йил 26 мартда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1956 йил 14 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг «Ишчи ва

хизматчиларни ўзбошимчалик билан корхоналардан ва

муассасалардан кетиб қолганликлари учун ҳамда

узурсиз сабаб билан проғул қилганликлари учун суд

жавобгарлигига тортишни бекор қилиш тўғрисида»ги

Фармонини тасдиқлаш ҳақида

ҚОНУН

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

СССР Олий Совети Президиумининг «Ишчи ва хизматчиларни ўзбошимчалик билан муассасалардан кетиб қолганликлари учун ҳамда узурсиз сабаб билан проғул қилганликлари учун суд жавобгарлигига тортишни бекор қилиш тўғрисида» 1956 йил 25 апрелда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль. 1956 йил 14 июль.

СССР Олий Совети Президиумининг «16 ёшдан 18 ёшгача

бўлган ўсмирлар учун олти соатлик иш кунини

белгилаш тўғрисида»ги Фармонини тасдиқлаш ҳақида

ҚОНУН

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Олий Совети қарор қилади:

СССР Олий Совети Президиумининг «16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар учун олти соатлик иш кунини белгилаш тўғрисида»ги 1956 йил 26 майда чиқарган Фармони тасдиқлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГ

Наим. № 1480